



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ

Алишер Абдуганиевич Эшгаев – Ўзбекистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги бошқарма бошлиғи, и.ф.д., профессор

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШТИРОКИ

Аннотация: Мақолада халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари, Бутунжаҳон туризм ташкилоти ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг соҳани ривожлантириш борасидаги фаолияти, Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозоридаги ҳозирги мавқеи, миллий туризм брендини илгари суриш истиқболлари ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар батафсил ёритилган.

Калит сўзлар. Туризм, халқаро туризм бозори, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм ва саёҳатлар бўйича Бутунжаҳон кенгаши (WTTC), халқаро туризм ярмаркалари, халқаро туристик тушумлар, туризм инфратузилмаси, туризм турлари.

Кириш. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари кучайиб, жаҳон туризм бозорининг рақобатбардошлиги ошиб бораётган шароитида, пандемиядан кейин туризм соҳаси давлатлар олдига кучли талабларни қўймоқда. Бунда барча давлатлар ўзи учун қулай бўлган туризм йўналишини, яъни бозорда мавқеини эгаллашга, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама қулай бўлган йўналишларини танлашга ҳаракат қилмоқда. Барча давлатлар каби халқаро туризм бозорида Ўзбекистоннинг иштироки, унда миллий туризм брендини илгари суриши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йилнинг 19 сентябрда ўтказилган “Ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари”га бағишланган видеоселекторда “Туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Шунинг учун, қўп давлатлар сайёҳ жалб қилишнинг янги-янги йўллари излаётди” - деб, алоҳида таъкидлаб ўпан эди. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқнинг ижросини таъминлаш алоҳида эътибор талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Халқаро туризмни ривожланиш тенденциялари борасида бир қатор назариялар берилган. Жумладан, Е.П.Чилова, И.М.Темкиналарнинг таъкидлашича, халқаро туризм халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Уни тармоқ сифатида жаҳон савдо ва хизматлар бозорининг бир бўлаги сифатида қараш мумкин[1]. А.Н.Норчаев томонидан “Тадқиқотларимиз натижалари бўйича халқаро туризм ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиб чиқдик: биринчи босқич 1840-1914 йиллар (халқаро туризмни ташкил қилишга илмий томондан ёндашилди); иккинчи босқичи 1920-1938 йилларни ўз ичига олади (биринчи жаҳон уруши тугаши билан туризм қайта тиклана бошлади, туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари такомиллашуви, ҳарбий самолётлар йўловчиларни ташишга мослаштирилиши натижасида туристлар ҳаракати бир неча бор тезлашди); учинчи босқичи 1950-1970 йиллар (иккинчи жаҳон уруши тугаши билан қайтадан оёққа тура бошлади, туризмга ҳам интеграцион жараёнлар кириб кела бошлади); тўртинчи босқичи 1970-1990 йиллар (ахборот коммуникацион технологиялар, глобал дистрибьютер тизими (Global Distribution Systemes), трансмиллий компания (ТМК)лар туризмга кириб келди); бешинчи босқич 1990-2010 йиллар “Замонавий туризм” тушунчаси қўлланила бошланди, туризмнинг жаҳон ЯИМда улуши кескин равишда ортиб борди, туризмда стратегик альянслар пайдо бўла бошлади, кластер усули туризмда қўлланила бошлади); олтинчи босқичи 2010 йилдан ҳозиргача бўлиб, туризмда рақамли инновацион технологиялар жорий қилина бошлади, туристлар учун макондан ташқарида саёҳатлар (космик туризм) таклиф қилина бошлади”, деб изоҳ берилган[2].

Тадқиқот методологияси. Мақолада халқаро туризм бозорининг ривожланиши ва унда Ўзбекистоннинг иштироки бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари, халқаро ва давлат ташкилотларининг маълумотлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий таҳлил ва кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденцияларига салбий ҳолатлар доимо таъсир кўрсатиб келган. Хусусан, 2019 йилда Хитойда бошланган коронавирус пандемияси соҳага сезиларли даражада таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Пандемияга қадар дунёдаги ҳар тўртинчи янги иш ўрни саёҳат ва туризм соҳасида яратилган, барча иш ўринларининг 10,6 фоизи (334 млн. киши) ва жаҳон ЯИМнинг 10,4 фоизи (9,2 трлн. доллар) туризмга тўғри келган.

2020 йилда туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 5,5 фоизни ташкил этди, 2019 йилда бу кўрсаткич 10,4 фоизга тенг бўлганди. Бу ҳақда Жаҳон туризм ва саёҳатлар кенгаши (WTTC) ҳамда Oxford Economics ҳисоботида маълум қилинди[3]. 2020 йилда туризм соҳаси қарийб 4,5 трлн. доллар йўқотди, туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотдаги улуши 49,1 фоизга камайди. Шунингдек, 62 млн. иш ўрни йўқотилди. “Иш ўринларини йўқотиш хавфи сақланиб қолмоқда, чунки аксарият иш ўринлари давлат дастурлари асосида қўллаб-қувватланмоқда, туризм ва саёҳатлар соҳаси тўлиқ тикланмайдиган бўлса, улар ҳам йўқотилади”, – дейилади ҳисоботда. Шу билан бирга, жаҳон миқёсида ички туристларнинг харажатлари 45 фоиз, хорижлик туристларнинг харажатлари эса 69,4 фоизга камайган.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг берган энг охири расмий маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсақ, халқаро туризм 2022 йилда қутилганидан ҳам кучлироқ натижаларга эришди, бунга талабнинг ортиши ва қўллаб-қувватланган мамлакатларда саёҳат чекловларининг олиб ташланиши ёки юмшатилиши сабаб бўлди [4]:

- 2022 йилда 900 миллиондан ортиқ турист халқаро миқёсда саёҳат қилган, бу 2021 йилдагидан икки баравар кўп, аммо 2019 йилга нисбатан хали ҳам 37 фоизга кам;
- 2022 йилда халқаро туризм пандемиягача бўлган даражани 63 фоизга тиклади;
- Жаҳондаги энг йирик йўналиш минтақаси бўлган Европа 2022 йилда 585 миллион ташрифни қайд этди ва пандемиягача бўлган даражанинг қарийб 80 фоизига етди (2019 йилга нисбатан 21 фоиз). Яқин Шарқ 2022 йилда минтақалар бўйича энг кучли нисбий ўсишга эришди, келганлар сони пандемиядан олдинги рақамларнинг 83 фоизига кўтарилди (2019 йилга нисбатан 17 фоиз);
- Африка ва Америка мамлакатлари пандемиядан олдинги ташриф буюрувчиларнинг қарийб 65 фоизини тиклаган, Осиё ва Тинч океани минтақаси эса пандемия билан боғлиқ кучли чекловлар туфайли атиги 23 фоизга етган;
- Субминтақаларга кўра, Ғарбий Европа (87 фоиз) ва Кариб денгизи (84 фоиз) ўзларининг пандемиягача бўлган даражасига яқинроқ бўлган;
- 2022 йилда туризм харажатларида кучли ўсиш кузатилган, натижада қўллаб-қувватланган йўналишларда пандемиягача бўлган даромадлар тикланган.
- 2022 йилда Яқин Шарқ минтақалар бўйича энг кучли нисбий ўсишга эришди, бунда ташриф буюрганлар сони пандемиядан олдинги рақамларга нисбатан 83 фоизга кўтарилди (2019 йилга нисбатан 17 фоиз). Минтақада ЕХРО - Дубай кўргазмаси ва Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон кубоги, шунингдек, Саудия Арабистонида кўп сонли Ҳаж зиёрати каби йирик тадбирлар кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Кўпгина йўналишлар бўйича халқаро туристик тушумларнинг сезиларли ўсиши қайд этилди, бир қанча ҳолларда уларнинг келиши сони қутилганидан юқори бўлди. Бу туристларнинг саёҳат манзилида узоқроқ қолиш муддати, ўз манзилида кўпроқ пул сарфлашга тайёрлиги ва қисман инфляция туфайли юқори саёҳат харажатлари туфайли бир туристга ўртача харажатларнинг ошиши билан қўллаб-қувватланди.

2022 йил давомида бир қанча йўналишлар, жумладан Туркия (+40%), Руминия (+25%), Мексика (+13%), Португалия (+15%), Латвия (+14%), Покистон, Марокаш (иккаласи +6%) ва Франция (+1%) каби давлатларда туризмдан олинган даромадлар

пандемиягача бўлган даражадан юқори бўлганини маълум қилди.

Қайта тикланишни ташқи туризмда ҳам кўриш мумкин, бунда 2022 йил давомида 2019 йилга нисбатан -4% Франция, Германия (-8%), Италия (-10) каби йирик манба бозорларидан кучли халқаро харажатлар кузатилган ва Америка Қўшма Штатлари (-15%) пасайиш, 2019 йилга нисбатан 2022 йилда харажатлари барқарор ўсаётган ривожланаётган бозорлар қаторига Қатар (+29%), Ҳиндистон (+10%) ва Саудия Арабистони (сентябргача +7%) кирган.

Халқаро туризм 2023 йилда, айниқса Осиё ва Тинч океани минтақасида пасайган талаб туфайли тикланишини кучайтириши кутилмоқда. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг сценарийларига кўра, 2023 йилда халқаро сайёҳлар келиши пандемиядан олдинги рақамларнинг 80-95 фоизини ташкил қилиши мумкин. Европа давлатлари 2023 йилда ижобий натижаларни келтириб чиқариши кутилмоқда, бунда келувчилар сони пандемиягача бўлган даражага етади ёки ундан ошади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг экспертлар гуруҳи томонидан ўтказилган сўрови натижалари шуни кўрсатадики, респондентларнинг 72 фоизи 2023 йилда халқаро туризм янада яхши натижаларга эришишини кутмоқда. Бироқ, кўпчилик экспертлар халқаро туризм 2024 йил ёки ундан кейинроқ ҳам 2019 йилдаги даражасига қайтмайди, деб ҳисоблашади. Бутун жаҳон туризм ташкилоти экспертлари баъзи Европа йўналишлари ва субминтақаларида туризмни тикланиши учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлайди.

Жаҳондаги давлатларнинг 2022 йилдаги туризм соҳаси бўйича фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг рейтинги аниқланиб, бунда Франциянинг пойтахти Париж 2022 йилда туризмдан энг кўп даромад кўрган шаҳар бўлди. Бундай рейтинг турли мамлакатларнинг туризм соҳаси вакиллари бирлашгирган “World Travel and Tourism Council” (WTTC) нодавлат ассоциацияси томонидан эълон қилинди. Рейтингни тузишда, туризмнинг ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси, туристларнинг сарф-харажатлари ва бу соҳада иш ўринлари яратилиши баҳоланган. 2022 йилда Парижнинг туризм орқали иқтисодиётга қўшган ҳиссаси қарийб 36 миллиард долларни ташкил этган. Иккинчи ўринда Пекин (33 миллиард доллар), учинчи ўринда Орландо (31 миллиард доллар) шаҳарлари жойлашган. Биринчи ўнталикка Хитойнинг яна иккита шаҳри – Шанхай ва Гуанчжоу, Американинг икки шаҳри – Лас-Вегас ва Нью-Йорк, шунингдек, Токио, Мехико ва Лондон киритилган.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини халқаро туризм бозорида реклама қилиш, хорижий туристларни жалб қилиш борасида кўпгина ижобий ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозоридаги ишгирикка турли ижобий омиллар билан биргаликда салбий омиллар ўз таъсирини кўрсатиб келган, хусусан коронавирус пандемияси ҳам соҳага жиддий таъсир кўрсатган эди. 2020 йилда мамлакатимизга 7 миллион нафардан ортиқ хорижий сайёҳлар ташрифи кутилган бўлса-да, бироқ, уларнинг сони 1,5 миллион нафардан ошмади. Туризм хизматлари экспорти 261 миллион АҚШ долларига тушиб кетди. Туризм ва унга ёндош соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари молиявий жиҳатдан қийинчиликларга дуч келди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро туризм бозорларидаги ишгирикка бўйича берилган яна бир энг охири расмий маълумотларни таҳлил қиладиган бўлса, қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонга халқаро туристларнинг келиши 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 77 фоизга, 2021 йилга нисбатан 72,1 фоизга, 2022 йилда 22,5 фоизга камайган. Аммо халқаро туристлар оқими 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 21,2 фоизга, 2022 йилда эса 2021 йилга нисбатан 178 фоизга ошган[5].

Туризм хизматларининг экспорти ҳам ўз навбатида 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 61,6 фоизга, 2021 йилда 32,7 фоизга камайган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 9,7 га ошганини кўришимиз мумкин. Бироқ охириги икки йилда ўзгаришлар ижобий тарафга ўзгарган, яъни 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 75,4 фоизга, 2022 йилда эса 2021 йилга нисбатан 179 фоизга ошган.

Халқаро туризм бозорида миллий туризм салоҳиятини илгари суриш мақсадида халқаро ярмаркаларда ишгирик этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Миллий туризм салоҳияти Тошкентда ҳар йили ташкил этиб борилаётган халқаро туризм ярмаркасида ташқари бошқа давлатларда ҳам тарғиб қилинмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг миллий туризм бренди 2022 йилда 9-12 февраль кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳридаги “EMITT-2022”, 30-31 март кунлари Исроилнинг Тель-авив шаҳридаги “IMTM-2022”, 20-22 апрель кунлари Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳридаги “KITF-2022”, 22-25 сентябрь кунлари Япониянинг Токио шаҳридаги “TEJ”- 2022, 7-9 ноябрь кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги “WTM” халқаро туризм кўргазмаларида тарғиб қилинди.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини жаҳон туризм бозорида реклама қилиш ва хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида 2023 йилда ҳам бир қатор халқаро туризм кўргазмаларида ишгирик этиш режалаштирилган. Испаниянинг Мадрид шаҳридаги “FITUR-2023”, Германиянинг Берлин шаҳридаги “ITB Berlin-2023”, Россиянинг Москва шаҳридаги “Путешествия и туризм MITT-2023”, Озарбойжоннинг Боку шаҳридаги “AJTF-2023”, БААнинг Дубай шаҳридаги “ATM-2023”, Кореянинг Сеул шаҳридаги “SITIF-2023”, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги “MATTA Fair-2023”, Япониянинг Осака шаҳридаги “Tourism Expo Japan-2023”, Франциянинг Париж шаҳридаги “IFTM Top Resa-2023”, Италиянинг Рим шаҳридаги “TTG Rimini -2023”, Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги “World Travel Market 2023” халқаро туризм кўргазмалари шулар жумласидандир.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти соҳага доир халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида туризм тез ривожланаётган мамлакатлар рўйхати рейтингиди 2019 йилдаги 4-ўриндан 2026 йилда 3-ўринга эришиш, сайёҳлар учун хавфсиз мамлакатлар рейтингиди (180 мамлакатлар орасида)да 2020 йилдаги 46-ўриндан 2026 йилда 20 та энг хавфсиз мамлакатлар рўйхатига киритиш, Solo Travel Safety Report рейтингиди ёлғиз саёҳат қилувчи туристлар учун хавфсиз мамлакат рейтингиди 2019 йилдаги 80-ўриндан 2026 йилда камида 50-ўринга эришиш, Global Muslim Travel Index ҳалол туризм рейтингиди 2020 йилдаги 7-ўриндан 2026 йилда 3-ўринга эришиш, Саёҳат ва туризмнинг рақобатбардошлиги индексида Ўзбекистонни 2026 йили биринчи 50 таликка киритиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, Бутунжаҳон туризм ташкилоти доирасида Европа минтақавий комиссиясига кирувчи давлатлар билан туризм соҳасида алоқаларни мустақамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга эга тадбирларни Ўзбекистонда мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган. Жумладан, 2023 йилда UNWTO Бош Ассамблеяси XXV сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича Ўзбекистон номзодлигини илгари суриш юзасидан тегишли ташкилий ишлар олиб борилди.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти хорижий оммавий воситалари, ижтимоий тармоқларида ва халқаро рейтингларда эътироф этилмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг “Time” журнали, “Travel Lemming” ва “Forbes Advisor” ва “The New York Times” онлайн саёҳат қўлланмалари, Британиянинг машҳур “British Muslim Magazine” журнали, “Independent”, “Rough Sides”, “Dorling Kindersley”, “Times Travel” ва “Lonely Planet” онлайн нашрлари, Россиянинг “Курсив” нашри каби нуфузли нашрларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятлари ҳақида ижобий мақолалар чоп этилди.

“Жаҳон мусулмон саёҳати индекси” халқаро рейтингиди 2022 йилда Ўзбекистон еттига поғона юқорилаб янги пайдо бўлаётган энг кучли исломий саёҳат дестинацияси сифатида алоҳида эътироф этилди[6].

Ўзбекистон “Wegoplace” саёҳатчилар портали томонидан дунёнинг энг хавфсиз 5 мамлакатидан бири ҳамда “CrescentRating” (Сингапур) ва “Mastercard” ташкилотлари томонидан дунёнинг зиёрат туризми бўйича энг оммабоп 10 мамлакатидан бири сифатида эътироф этилди[7].

Хулоса ва таклифлар. Албатта юқоридаги лойиҳалар, чора-тадбирларнинг ташкил

этилиши ва хориж тажрибаларининг ўрганилиши, Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорида мавқеини оширишга олиб келади.

Халқаро туризм хизматлари бозорининг ҳолати, хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида қуйидаги ривожланиш тенденциялари аниқланди ва Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси вакиллари учун қуйидаги жиҳатларни эътиборга олишни тавсия қилиш мумкин:

- туризм соҳасини рақамлаштириш тенденцияси кузатилмоқда, зеро ривожланган давлатлардаги аҳолининг каттагина қисмида ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб феъл-атвор ва дунёқарашда катта ўзгаришлар кузатилмоқда;

- бугунги кунда жаҳон туризм бозорида қуйидаги мақсадли туризм кўрсатмалари устун туради: янги таассуротларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тезда ўзгариши, гуруҳли ёки икки киши бўлиб дам олиш, ички сабаблар туфайли ёки ташқи таъсирларсиз ўз хоҳиш-истакларини тезда қондиришга интилиш, табиат ва ландшафт гўзаллигидан баҳра олиш.

- аҳоли моддий фаровонлигининг ошиши ва туризмга ажратилган маблағларнинг кўпайиши;

- ижтимоий-демографик ўзгаришлар, саёҳатларга чиқиш учун вақт ва зарур даромадга эга бўлган кишилар сонининг ошганлиги;

- мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг мустақамланиши;

- шаҳарлашув жараёнларининг кучайиши, бу потенциал туристлар сонини кўпайтиради;

- аҳолининг маълумот олиш даражасининг ошганлиги натижасида уларнинг билим ва ахборотлар олишга нисбатан фаоллигини кучайганлиги;

- транспорт инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашуви;

- божхонадаги расмийчиликларнинг, виза муносабатларининг соддалаштирилиши ва оммавий коммуникация воситаларининг ривожланиши намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чилова Е.П., Темкина И.М. Рынок международных туристских услуг. М. 2010. С. 87.
2. Норчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари/Doctor of science диссертацияси Тошкент.2021 й.
3. <https://wtts.org>
4. World Tourism Barometr Volume 21. issue1. januare 2023
5. <https://uzbektourism.uz/cyr/>
6. <http://www.uzbektourism.uz>
7. <http://www.unwto.org>

А.Эштаев	A.Eshtayev
Тенденции развития рынка международного туризма и участие в нем Узбекистана	Development trends of the international tourism market and Uzbekistan's participation in it
<p>Аннотация: в статье подробно освещаются тенденции развития международного туристского рынка, деятельность Всемирной туристской организации и ряда международных организаций по развитию отрасли, текущее положение Узбекистана на Международном туристском рынке, перспективы продвижения национального туристского бренда и факторы, влияющие на него.</p> <p>Ключевые слова: туризм, рынок международного туризма, Всемирная туристская организация, Всемирный совет по туризму и путешествиям (WTTC), международные туристические ярмарки, доходы от международного туризма, инфраструктура туризма, виды туризма.</p>	<p>Abstract: The article describes in detail the development trends of the international tourism market, the activities of the World Tourism Organization and a number of international organizations in the field of development, the current position of Uzbekistan in the international tourism market, the prospects for promoting the national tourism brand, and the factors affecting it.</p> <p>Keywords: tourism, international tourism market, World Tourism Organization, World Tourism and Travel Council (WTTC), international tourism fairs, international tourism receipts, tourism infrastructure, tourism types.</p>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023